


Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан кириб келаётган янги — 2016 йил юртимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинди. Бунинг замирида ана шундай муҳим ҳаётий қадриятни жамиятимизда янада чуқур қарор топтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, давлатимиз раҳбари мамлакатимизда яқунига етаётган Кексаларни эъзозлаш йилининг дастлабки сарҳисобларига тўхталганини таъкидлаш лозим. Кексаларни эъзозлаш йили Давлат дастури бўйича барча манбалар ҳисобидан 2 триллион 246 миллиард сўм ва 225 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфлангани ушбу йўналишдаги ишларнинг кўлами ва миқёсидан яққол далolat бериб турибди.



ОНАЛАРИ БАХТЛИ, БОЛАЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТ

Шу ўринда давлатимиз раҳбари келтирган биргина мисолга эътибор қаратайлик. Яъни жорий йилда 2 миллион 750 минг нафар кексаларимизнинг пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд кўпайтирилиб, уларга давлат бюджети ҳисобидан 12 триллион 888 миллиард сўм пенсия тўланган. Бинобарин, бугунги кунда давлат томонидан ўз вақтида ва узлуксиз етказиб берилаётган ана шу пенсияларга ажратилган маблағнинг миқдори дунёдаги қамдан-кам давлатлар қаторида ўртача ойликлар 41 фоиздан зиёдини ташкил этади.

Айни мавзуда яна кўплаб рақам ва мисолларни келтириш мумкин. Энг муҳими, мамлакатимиз раҳбари қайд этганидек, мўътабар қарияларимизга бўлган эътибор, бу йўналишдаги ишлар фақат шу йил билан чекланмайди, балки янги босқичда, янги шаклда изчил давом эттирилади. Чунки бизларни дунёга келтириб, вояга етказган ота-оналаримизнинг хурматини жойига қўйиш халқимизга хос азалий фазилат бўлса, ўзининг ма-

шаққатли меҳнати билан бугунги ёруғ кунларга катта ҳисса қўшган бобо ва бувиларимиз — кекса авлод вакиллари халқимизнинг қадриятлари ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Дастурий маърузада алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистон тарихан қисқа даврда барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган, кўп қиррали иқтисодиётга эга бўлган замонавий давлатга айланди. Зеро, Конституциямиз бугунги кунда юртимизда мустақил, суверен демократик давлат барпо этиш, кўп укладли бозор иқтисодиёти таркибидега хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш ва унинг ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркин-

ликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий қонунчилик пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Истиқлол йилларида Конституциямиз негизда бир қатор конституциявий қонунлар, 16 та кодекс ва 650 дан зиёд қонундан иборат мустақам ҳуқуқий база яратилди. Шунингдек, 2010 йилда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Президентимиз томонидан Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси доирасида 2011 ва 2014 йилларда Асосий қонунимизга му-

ҳим тузатишлар киритилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, қонунчилик соҳасидаги мазкур ислохотларнинг барчаси пухта ўйланган, узок муддатга мўлжалланган, дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб тан олинган дастур асосини ташкил этади.


Ўз навбатида, юртимиз тараққиётининг ана шу ўзига хос миллий модели жамиятимизни ислох этиш, демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва туб таркибий ўзгаришларни амалга оширишда устувор дастурий-амал бўлиб келмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига

Инсон манфаатлари — олий қадрият

Юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишларидан бири, бу, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат. Зеро, ҳар қандай демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади.



Шу маънода соҳа ислохотлари жараёнида халқимизнинг табиатида мос келадиган ярашув институти ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини низоҳатда муҳим янгилик бўлганини айтиш зарур. Бағрикенглик, олижаноблик ҳамда йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби эзгу қадриятларни ўзида мужассамлаштирган мазкур институт амалда ўз самарасини бермоқда. У жорий қилинганидан буён ўтган давр мобайнида 159 минг 778 та иш бўйича 173 минг 214 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани бунинг яққол тасди-

ғидир. Ҳозирги кунда юртимизда 60 та жиноят бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти мавжуд.

Миллий қонунчилигимиздан мустақам ўрин эгаллаган "Хабас корпус" институтининг туб замирида ҳам инсонпарварлик тамойиллари ўз ифодасини топган. Дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш ва бу соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилиб, ушбу институт амалиётга татбиқ қилинди.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият деб ҳисобланадиган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин ифодасидир. Амнистия актининг айрим тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Istiqloл imkoniyatlari

Бағрикенглик ва инсонпарварликнинг яна бир ёрқин ифодаси

Бу фикрлар жорий йилнинг 3-4 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорини қабул қилиш чоғида алоҳида таъкидланди. Сенат аъзолари ушбу муҳим ҳужжат мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳиятининг амалдаги яққол намоёни эканини қайд этдилар.

Маълумки, Конституциямизнинг 93-моддаси 23-бандида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукми қилинган шах-



сларни авф этади.

Ўз навбатида, Конституциямизнинг 80-моддаси 10-бандида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатларига қиради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг тақдимномасига асосан Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорда аёлларни, вояга етмаганларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатларнинг фуқароларини, шунингдек, бир қатор бошқа тоифадаги маҳкумларни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш назарда тутилди. Бундан ташқари амнистия акти татбиқ этилмайдиган шахслар тоифаси белгилаб берилди.

(Давоми учинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

2015 йил 13 ноябрь № 16/287 Тошкент шаҳри

Ишларнинг тааллуқлилиги билан бовлиқ процессуал қонун ҳужжатлари нормаларини судлар томонидан

қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамoат бирлашмаларининг вайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқни ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ишлар тааллуқлилигига қўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига (бундан буён матнда ХПК деб юритилади) белгиланган нормалар асосида фуқаролик ишлари бўйича судлар ёки хўжалик судлари томонидан кўрилади.

2015 йил 20 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни асосида амалдаги қонунлар, ФПК ва ХПКга ўзгариш ва қўшимчалар киритилганлиги, хусусан, ХПК корпоратив низола бўйича иш юритиш тўғрисида алоҳида 204-боб билан тўдирилганлиги муносабати билан ишларнинг судга тааллуқлилиги борасида келиб чиқаётган масалалар юзасидан тушунтириш берилишини, мурожаатларнинг тўғри ҳал қилинишини, хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17 ва 47-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори, жисмоний ва юридик шахсларнинг хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан тақдим этган аризаларини (даво аризаларини, шикоятларни) суд иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзгатиш ҳамда ишни судда қуришга тайёрлашда ишларнинг тааллуқлилиги билан бовлиқ процессуал қонун талабларига қатъий риоя этишга қаратилсин.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — ҳимояда

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ҳамкорлигида "Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтиларининг ўзаро ҳамкорлиги" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Islahot va samara

Тадбиркорлар фаолиятининг қонуний кафолати

Кейинги йилларда қабул қилинган Президент Фармонлари ва қонунлар таркибий ўзгаришлар, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, бу борада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш учун кенг йўл очиб берадиган қонунчилик базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қайд этганидек, мазкур ҳужжатлар хусусий мулкни эркин ривожлантириш, хусусий тадбиркорларни уларнинг хўжалик фаолиятини давлат, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органларининг асосий аралашувидан ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди.

Бу ҳақда сўз борганда, аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари изчил тақомиллаштирилаётганини таъкидлаш лозим.

(Давоми иккинчи бетда)

